

Аллоҳ таоло Ўзининг зотий ва феълий сифатлари ила қадимийдир | Ақийда дарслари (287-дарс)



19:00 / 22 июль 959

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ هَلُوقَو
يَسُدُّقُلَا ثِي دَحُلَا يِفَمَّ لَسَو
هَلَلَا يَضَرُّرَذُ وَبَأُ هَاوَرِي دَلَا
مُكَلُّوَأَنَّ أَوْلِي دَابِعَ أَيُّ «: هُنَع
مُكَّنَجَو، مُكَسُنِنَاو، مُكَّرِخَاو
لُجَرَبُلَقِ يَقْتَأُ يَلَعِ أُونَاك

يَفَكَلَدَا زَامُ مَكُنْمِ دِحَاو
وَلِي دَابِعَايَ، أَيُّيَشِي كَلُم
مُكْسُنَاو، مُكْرَخَاو، مُكَلَّوَأْنَا
رَجَفَا يَلَعَاوْنَاكُ مَكَّنَجَو
أَمُ مَكُنْمِ دِحَاو لُجَرِبَلَق
، أَيُّيَشِي كَلُم نَمَكَلَدَا صَقَن
مُكَلَّوَأْنَاوَلِي دَابِعَايَ
مُكَّنَجَو، مُكْسُنَاو، مُكْرَخَاو
، دِحَاو دِيغَصِي فَاوْمَاق
لُكُتِي طِعَاغَا فَا، يِنُولَاسَفَا
صَقَن أَمُ، هَتَلْأَسَمِنَاسُنَا
أَمَكُ أَلَايِ دُنَعَا مَكَلَدَا
لَخُدَا إِذَا طِيخَمَلَا صُقَنِي

مَلْسُومٌ هَاوِرٌ . «رَحَبُ لِي (يَذِمُّ رَّتْ لِي اَو).

Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Зарр розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадиси қудсийдаги ушбу гапларидир:

«Эй бандаларим! Агар сизнинг аввалингиз ҳам, охиригиз ҳам, инсингиз ҳам, жинингиз ҳам сизлардан энг тақводор одамнинг қалбига эга бўлсалар ҳам, ўша нарса Менинг мулкимга бирор нарсани зиёда қилмайди.

Эй бандаларим! Агар сизнинг аввалингиз ҳам, охиригиз ҳам, инсингиз ҳам, жинингиз ҳам сизлардан энг фожир одамнинг қалбига эга бўлсалар ҳам, ўша нарса Менинг мулкимдан бирор нарсани кам қилмайди.

Эй бандаларим! Агар сизнинг аввалингиз ҳам, охиригиз ҳам, инсингиз ҳам, жинингиз ҳам бир жойда туриб, Мендан сўрасалар, ҳар бир инсонга сўраган нарсасини берсам ҳам, ўша нарса Менинг ҳузуримдаги нарсани кам қила олмайди. Магар бир игна денгизга санчилганда камайтирганича камайтиради...» (Имом Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

ثَعَابٌ ، ةَفَاخَمُ اَلْبُ تِيْمُ ةَقَشَمُ اَلْبُ

У Зот қўрқувсиз ўлдирувчи ва машаққатсиз қайта тирилтирувчидир.

Шарҳ: Яъни, Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларидан тирикларни ўлдиради ва ҳеч нарсадан ва уларнинг ҳеч кимидан қўрқмайди. Сўнгра уларни ҳеч қандай чарчоқ, қийинчилик ва машаққатсиз иккинчи марта тирилтиради. Балки уларни иккинчи марта тирилтириши биринчиси каби осондир. Билинги, ўлим вужудий (борлиқдаги, воқелиқдаги) ишдир. Яратиш тақдир маъносидадир. Шундай экан, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзида ўлимга

яратишни боғлаш мумкин.

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ

«У ўлим ва ҳаётни яратди» (Мулк сураси, 2-оят).

Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари бунга далилдир:

وَلَا يَخَافُ عُقْبَاهَا ﴿١٥﴾

«Ва У Зот бунинг оқибатидан қўрқмас» (Шамс сураси, 15-оят).

ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ

«Сўнгра сизни ўлдирадир ва яна тирилтирадир» (Бақара сураси, 28-оят).

فَيَكُونُ كُنْ لَهُ، يَقُولُ أَنْ شَيْئًا أَرَادَ إِذَا أَمْرُهُ، إِنَّمَا ﴿٨٢﴾

«Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши «Бўл!» демоғи, холос. Бас, у нарса бўлур» (Ёсин сураси, 82-оят).

يَخْلُقُ أَنْ عَلَيَّ بِقَدْرِ وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي أَوْلَيْسَ

الْعَلِيمُ الْخَلْقُ وَهُوَ بَلَى مِثْلَهُمْ ﴿٨١﴾

«Осмонлару ерни яратган Зот уларга ўхшашни яратишга қодир эмасми?! Йўқ! У кўплаб халқ қилувчидир, ўта билувчидир» (Ёсин сураси, 81-оят).

عَلَيْهِ أَهْوَتْ وَهُوَ

«...бу эса Унга жуда осондир...» (Рум сураси, 27-оят).

لُبَّ قَامِي دَقِ هِتَ أَفِصَبَ لَازَ أَم
مِهِنَّ وَكِبْ دَدَزِي مَلْ، هِقْ لَخ
نَمْ مَهْ لُبَّ قُ نُنْ كَيْ مَلْ أَيُّيَ ش
نَاكْ أَمَكْ وَ هِتَ أَفِصَبَ
أَلْ كِلْ دَكْ، أَيُّ لَزَأْ هِتَ أَفِصَبَ

اِي دَبَّ اِهَي لَع ل اَزِي

У Зот махлуқотлардан олдин ҳам қадимдан Ўз сифатларига эга эди. Махлуқотлар бўлиши билан Унинг сифатларига улардан олдин бўлмаган бирор нарса зиёда бўлмади. У Зотнинг сифатлари азалий бўлганидек, абадий қолажак ҳам.

Шарҳ: Яъни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло доимо баркамол сифатлар ила сифатлангандир. Хоҳ зотий сифатлар бўлсин, хоҳ феълий сифатлар бўлсин, барибир. Бас, Аллоҳ субҳанаҳу Ўзининг зотий ва феълий сифатлари ила қадимийдир. Унинг феълий сифатлари ўша сифатларнинг тааллуқи пайдо бўлгани туфайли пайдо бўлиши лозим эмас. Чунки сифат бошқа нарса, унинг тааллуқи бошқа нарса. Уларнинг бири пайдо бўлиши туфайли иккинчиси ҳам пайдо бўлиши лозим эмас. Борлиқни яратганидан кейин, яъни уни йўқдан бор қилгач, Аллоҳ таолода махлуқотларни яратишдан олдин бўлмаган сифат зиёда бўлиб қолгани йўқ. Ўша сифатлар азалдан бор бўлганидек, абадий қолажак ҳам. Аллоҳ субҳанаҳу ўша сифатлар билан абадий сифатланади.

Аллоҳ таоло махлуқотларни яратганидан кейин, уларни яратишдан олдин бўлмаган сифат билан сифатланади, деб эътиқод қилиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ таолонинг сифатлари баркамол сифатлардир. Уларнинг йўқ бўлиши нуқсондир. Аввал баркамолликка зид сифат билан сифатланиб, сўнгра баркамоллик ҳосил бўлиши Аллоҳга тўғри келмайди. Балки Аллоҳ азалий ва абадийдир, барча нуқсонлардан покдир. Шунингдек, У Зот баркамоллик сифатлари билан сифатлангандир.

Аммо «Сифатлар сифатланган нарсанинг айна ўзими ёки бошқами?», «Исм мусаммонинг (яъни шу исм қўйилган нарсанинг) айна ўзими ёки бошқами?» деган баҳслар соф ақийдани фалсафий ва каломий таъвиллар билан аралаштириш бўлиб, бизнинг китобимизга тўғри келмайди. Шунингдек, бунга ўхшаш дақиқ фалсафий нарсалар салафи солиҳларимизнинг ақийдаларининг бир бўлаги эмас. Шунинг учун бу нарсалар билан машғул бўлмаймиз.

«Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.